СУҒОРМА ДЕҲҚОНЧИЛИК СОҲАСИНИ ЭКСТЕНСИВ ТАРАҚҚИЙ ЭТТИРИШ ТАРИХИ ВА ТАҲЛИЛИ (1917-1939)

Қ.М.НАСРИТДИНОВ

На основе научно-исторических источников в статье анализируется история экстенсивного развития ирригации методом народных строек 20-30-х годов XX века.

In this article the history of extensive developing of Irrigation by methods of people buildings in the 20-30th of XX century is analyzed on the basis of archive sources.

Совет ҳокимияти даврида сув хўжалиги юқори даражада ривожланди, катта гидроиншоотлар қурилди, суғорма деҳқончилик янги социал-иқтисодий ва техникавий асосга кўчирилди. Лекин бу борадаги кўлами жиҳатидан улкан ишлар мустамлакачилик мазмунидаги сиёсатга бўйсундирилган бўлиб, Туркистон ўлкасини хом ашё етказиб берувчи базага айлантиришга қаратилган эди. Совет давлати ўз иқтисодиётини экстенсив тараққиёт йўлига асосланган ҳолда шакллантирди. Иқтисодий тараққиётнинг бу йўли, аввало, янги табиий ресурслар, капитал маблағ ва инсон омилига асосланган ҳолда амалга оширилади. Қишлоқ хўжалиги соҳаси ҳам шу йўл билан тараққий эттирилиб, пахта етиштириш йилдан-йилга миқдор жиҳатидан ортиб борди. Натижада ўлка иқтисодиётида пахта яккаҳокимлиги шаклланди. Гидроиншоотлар қурилиши кўламининг ўсиши, қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштиришнинг кенгайтирилиши, ажратиладиган капитал маблағларнинг орттирилиши – ҳаммаси бир мақсадга, яъни пахта етиштиришни миқдор жиҳатидан кўпайтиришга қаратилган эди. Бу ишларнинг ҳаммаси иттифоқ ҳукумати томонидан бошқарилди.

1918 йил май ойида Совет ҳукумати томонидан Туркистонда суғориш ишларига 50 миллион сўм маблағнинг ажратилиши ва суғориш ишларини ташкил этиш тўғрисидаги декретни қабул қилишдан асосий мақсад ҳам, аввало, Россия тўқимачилик саноатини таннархи арзон пахта хом ашёси билан таъминлашдан иборат эди [1.18]. Туркистон ўлкасида етиштирилаётган пахта навлари толасининг сифати билан Россия тўқимачилик саноатида ишлатиш учун яроқсиз, маҳаллий ҳунармандлар эҳтиёжигагина мос келар эди. Шунинг учун ҳам совет ҳукумати Туркистон ўлкасида Америка пахта навларини экиш ва саноатбоб пахта етиштиришни ривожлантиришдан манфаатдор эди. Ҳукумат кўрсатмасига асосан Туркистон ирригация (ИРТУР) бошқармаси тузилиб, бошқарма аъзолари А.Г.Александров, Т.К.Ризенкампф, А.В.Чаплигинлар томонидан ирригация муаммоларини ҳал этиш режалари ишлаб чиқилди. Бошқарма аъзоларидан 100 киши мутахассис сифатида Туркистонга юборилди [2.8].

Истиқлолчилик ҳаракатлари олиб борилган йилларда Туркистон ўлкасида мавжуд ирригация иншоотлари бузилиб кетгани туфайли экин майдонлари кескин қисқарди. 1920 йилда ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида экин майдонлари 94 минг гектарни ташкил қилган бўлса, 1921 йилга келиб уларнинг миқдори 76 минг гектарга тушиб қолди. Пахта ҳосилдорлиги 1918 йили гектаридан 5,8 центнерни, 1921 йил келиб эса 1,9 центнерни ташкил этди [3.9].

Туркистон ўлкасида суғорма деҳқончилик соҳасидаги ишларни ривожлантириш режаси 1922 йилнинг охирида чақирилган сув хўжалиги ходимларининг биринчи қурултойида қабул қилиниб, 1923-1927 йилларга асосий вазифа қилиб суғориладиган ерларни миқдор жиҳатидан кўпайтириш белгиланди.

Бу тадбирларни амалга оширишда Совет ҳукумати анъанавий халқ ҳашарига, деҳқонларнинг асрий тажрибасига катта умид боғлаган эди. Шунинг учун ҳам ўлка советларининг VIII қурултойида иригация ишларини амалга ошириш учун республиканинг 16 ёшдан 55 ёшгача эркак ва аёл аҳолисини руйхага олиб “умумий мехнат мажбурияти” ўрнатиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Ирригация ва мелиорация ишлари учун 1924-1928 йилларда ҳукумат томонидан 30 миллион сўм ажратилди. Ваҳолонки, бу даврда халқ ҳашари йўли билан 70 миллион сўмлик ишлар амалга оширилди [4.259].

Тадқиқ этилаётган даврда совет ҳукумати ўз олдига Туркистон ўлкасида етиштириладиган пахта эвазига пахта мустақиллигига эришини асосий мақсад қилиб қўйган эди. Чунки мустамлакачи ҳукумат хорижий давлатлардан енгил саноат учун зарур бўлган пахта хом ашёсини харид қилишга ҳам, Туркистон ўлкасида пахта етиштириш учун янги ерларни суғориш ва ўзлаштириш учун ҳам етарли даражада маблағга эга эмас эди. Шунинг учун ҳам совет ҳукумати суғорма деҳқончилик соҳасидаги амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар-

ни халқ ҳашари йўли билан амалга оширишни режалаштирди. Соҳа учун ажратилган маблағлар эса иттифоқ ҳукумати томонидан эмас, балки республика бюджети маблағидан ажратилди.

Ўзбекистон халқининг меҳнати туфайли Фарғона водийсида Савай ва Учқўрғон кичик каналлари, Зарафшон водийсида эса Нарпай, Анҳор, Пойариқ каналлари, Мирзачўлда Боёвут канали, Чирчиқ-Оҳангарон воҳасида Қуйихон канали, Сурхондарёда Қумқўрғон канали қурилди. Ушбу каналлар аслида кичик-кичик ариқлар бўлиб, маҳаллий аҳолининг сувга бўлган эҳтиёжини қондириш учун мўжжалланган эди.

Беш йиллик даврида Республикада ҳаммаси бўлиб 137 та кичик сув иншоотлари, шу жумладан, Чирчиқ-Оҳангарон воҳасида 33 та, Фарғона водийсида 32 та, Зарафшон водийсида 21 та, Қашқадарёда 10 та, Хоразмда 30 та суғориш иншоотлари қурилди [4.220].

Амалга оширилган ишларнинг натижаси ўлароқ, биринчи беш йиллик (1928-1932 йиллар) даврида Ўзбекистонда экин майдонлари 219 минг гектарни ташкил этиб, улардан 125 минг гектари катта суғориш системалари ёрдамида суғориладиган бўлди, қолганлари эса майда гидроиншоотлар ёрдамида суғорилди**.** Лекин шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бу дарврда суғорма дехқончилик соҳасини миқдор жиҳатидан ривожлантириш баробарида дехқончилик агротехникаси бузилди. Бу, аввало, соҳада “зовурсиз суғориш” усулининг қўлланилишида, яъни суғорма дехқончиликда зарур бўлган сув ташламалари ва зовур коллекторлардан воз кечишда намоён бўлди. Суғоришда бостириб суғориш усули кенг қўлланилди. Натижада, Ўзбекистоннинг турли дехқончилик воҳаларида ерларнинг мелоратив ҳолати ёмонлашди, ер ости сувларининг ер сатҳига кўтарилиши натижасида шўрланиш жараёни тезлашди. Бу эса ер майдонларида ҳосилдорликнинг камайишига олиб келди.

Иккинчи беш йиллик (1933-1937 йиллар) даврида Ўзбекистонда ирригация қурилиши кўлам жиҳатидан кенгайди ва ривожланди. Шунинг учун ҳам Совет ҳукумати ирригация қурилиши соҳаси учун 450 миллион сўм пул ажратди [5.15]. Бу даврда ирригация ишлари икки йўналишда, биринчидан, биринчи беш йиллик даврида қурилиши бошланган ирригация иншоотларини тугаллаш, иккинчидан, маҳаллий сув иншоотларини қайта қуриш ва иш жараёнини яхшилашдан олиб борилди. Жумладан, Тошкент вилоятининг Ангрен дарёсида темир-бетон акведук қурилди. Бу билан Ангрен районида суғориладиган майдонлар кенгайди.

1934 йилда Мирзачўлда Малик канали қурилиши билан Сирдарё сувлари ёрдамида янги ташкил қилинган “Малик” давлат хўжалигига қарашли 2 минг гектар ер майдонининг сув таъминоти яхшиланди.

Фарғона водийсида Шаҳрихонсойнинг Қува тармоғи қурилиши билан Қорадарё сувлари билан кам сувли Аравон, Исфайрам, Шоҳимардон суғориш системаларининг қуввати яхшиланди. Бу суғорма дехқончиликда кам сувли ирригация тармоқларини кўп сувли гидросистемаларга улаш борасидаги биринчи тажриба бўлиб, доиравий суғориш системаларининг вужудга келишини бошлаб берди.

1936 йилда Шаҳрихонсойда янги Асака гидроузели қурилди. Ўз даври учун йирик ҳисобланган Кампирровот гидроиншооти қуриб битказилди ва бу билан Шаҳрихонсой, Андижонсой, Савай каналларининг муттасил равишда сув билан таъминланиши бошланди.

Бухоро вилоятида қадимги Шоҳрух суғориш системаси реконструкция қилинди. Хоразмда Полвон, Шовот, Ғозовот каналлари қурилиши бошланди. Хоразм вилоятида иккинчи беш йиллик охирига келиб 650 та насос қурилмалари ишга туширилди. Натижада суғориладиган ерларнинг умумий майдони вилоятда 1937 йилда икки юз минг гектарни ташкил этди [5.15].

Иккинчи беш йиллик даврида республика бўйича икки юздан ортиқ сув иншоотлари қурилди. Қилинган ишлар натижасида республикада пахта майдонлари 1937 йилда 884 минг гектарга етди, бу ерларда муҳим стратегик хом ашё ҳисобланган пахтадан 1 млн. 400 минг тонна ҳосил олинди [4.261].

Ирригация қурилиши тарихига учинчи беш йиллик (1938-1941) халқ қурилишлари беш йиллиги бўлиб кирди. Беш йилликнинг бош вазифаси 430 минг гектар янги ер ўзлаштиришдан иборат бўлди. 1938-1939 йилларнинг қишида кам сувли Поп райони меҳнаткашлари ҳашар йўли билан 9 километр узунликдаги Анҳор каналини қурдилар. Бу канал суви 600 гектар янги қўриқ ерни суғоришга имконият яратди [6.15].

1939 йилнинг февраль ойида колхозчиларнинг йиғилишида марғилонлик мироб Умаржон Расулов ҳашар йўли билан Исфайрамсой сувларини Шоҳимардонга ўтказиш учун Лоғон каналини қуришга чақирди. Бу фикрни Олтиариқ, Тошлоқ, Қува ва Фарғона районлари меҳнаткашлари қўллаб-қувватладилар. Фарғоналикларнинг таклифи республика ҳукумати томонидан маъқулланиб, тез фурсатда мутасадди олимлар, ирригаторлар, тажрибали мироблар билан ҳамкорликда канал лойиҳаси яратилди.

Беш йиллик режасига мувофиқ Лоғон каналининг лойиҳасини 1940 йилда тугаллаш, ўша йили қазиш ишларини бошлаш ва саккиз ой мобайнида қуриб битказиб, 1941 йил кўкламида ишга тушириш кўзда

тутилган эди. Бироқ деҳқонлар зарбдор суръатлар билан ишлаб, 1939 йил 29 мартда, яъни 17 кун ичида канални қазиб битказдилар. Мисли кўрилмаган қисқа вақт ичида қурувчилар 320 минг кубометр ер қазиш ишларини бажардилар. Каналнинг узунлиги 32 километр, чуқурлиги 2 метрдан 6 метргача ва эни 3 метр эди. Бу канал беш районни сув билан таъминлар, яна қўшимча равишда 6-7 минг гектар янги ерларни суғориш имконини берарди. Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, ҳали у вақтда ҳозирги техника ҳақида тасаввур ҳам йўқ эди. Канал қазишда асосий ишлар кетмон ва замбил билан бажарилди.

Канал қазиш ишларида, айниқса, ёшлар намуна кўрсатдилар. Тошлоқ туманидан Зокир Қодиров, Ахман Қирғизбоевлар ҳар куни 7-8 кубометр ер қазиб, кундалик иш нормаларини 7-8 баравардан орттириб бажардилар. Марғилон туманининг 14 кишидан иборат ёшлар бригадаси аъзолари уч кунда 200 кишининг иш нормасини бажаришди. Қурувчиларнинг хордиқ чиқаришлари учун зарур шарт-шароитлар, кўчма чойхоналар ва клублар ташкил қилиниб, 200 дан ортиқ санъаткорлар доимий суръатда концерт бериб турдилар. Кинофильмлар кўрсатилди. Врачлар ва ҳамшираларқурувчилар хизматида бўлишди [7].

Тадқиқ этилаётган даврда бунёд этилган катта қурилишларидан бири Катта Фарғона каналидир. Канал қурилиши халқимиз катта сув учун олиб борган фидокорона меҳнатининг ёрқин далилидир. 1939 йилда канал қурилиши, асосан, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида, қисман, Тожикистон ва Қирғизистон ҳудудларида олиб борилди. Йил охирига бориб каналнинг умумий узунлиги 280 км., эни 25-30 метрни ташкил этди. 1940 йилда канал қурилиши Тожикистон ҳудудида олиб борилди ва 70 километрли каналнинг иккинчи навбати қурилди. Бу эса каналнинг умумий узунлигини 350 км.га етказди.

1939 йилда канал қурилишида 18 млн.м^3 тупроқ ишлари бажарилди, 38 минг м^3 бетон ётқизилди. 19 минг м^3 ёғоч ишлари амалга оширилди. 40 минг м^2 тош ётқизилди. Каналда 126 та дюкерлар, 175 та акведук қурилди. Ҳаммаси бўлиб каналда 1 мингдан ортиқ гидроиншоотлар қурилди [8.175-176]. Канал қурилишига Ўзбекистон ҳукумати 20 млн. сўм пул, 60 та дизель трактор, 25 та автомашина ажратди. Қурилишда 160 минг колхозчи қатнашди. Улар ўзлари билан қурилишга 117881 та кетмон, 63105 та белкурак, 62298 та замбил, 35207 та лом, кирка, болға, 14 минг пақир, 4800 та бок ва бочкалар, 3250та қорамолни олиб бордилар [6.8].

Ўзбекистон ҳукумати томонидан канал қурилишида жуда катта ташкилий ишлар амалга оширилди. Канал қурилишида қатнашаётган қурувчиларга 704 та тиббиёт ходимлари, 1072 та алоқачилар хизмат қурсатишган. Ҳар бир қурилиш қатнашчиси учун кунлик норма қилиб 2 м^2 тупроқ иши белгиланган эди. Катта Фарғона канали 39 кунда қуриб битказилди [9.44]. Фарғона водийсида бошланган сув учун халқ ташаббуси бошқа вилоятларда ҳам ажойиб ҳашар ишларининг амалга оширишга сабаб бўлди.

Бу даврда Самарқанда қилоятида 15 кунда халқ ҳашари йўли билан узунлиги 28 км. бўлган Юқори Зарафшон канали қуриб битказилди. Бухоро вилоятида эса Шоҳрух гидросистемасини реконструкция қилиш тугалланиб, тўрт кунда узунлиги 19 километрлик бирлаштирувчи канал қурилди [10.26].

1939 йилда Ўзбекистонда халқ ҳашари йўли билан жами 35 та ирригация иншоотлари қурилди. Қурилган каналларнинг умумий узунлиги 1332 км.ни ташкил этиб,уларда 25 млн.м^3 тупроқ ишлари амалга оширилди. 1938-1939 йилларда Ўзбекистонда суғориладиган ерлар 100 минг гектарга кўпайди [6.9].

Бу халқ қурилишларида иштирок этган 1082 та қурувчилар ҳукумат орден ва медаллари билан мукофотландилар.

1939 йилда Иттифоқ халқ комиссалари совети “Ўзбекистонда пахтачиликни янада ривожлантириш” тўғрисида қарор қабул қилди.

Бу қарорга асосан яқин олти йил ичида Ўзбекистонда суғориладиган ерларни 430 минг гектарга кўпайтириш назарда тутилган эди. Бу қарорни амалга ошириш учун Ўзбекистон ҳукумати 1940 йил 20 январда “Шимолий Фарғона канали қурилиши тўғрисида” [11.31] қарор қабул қилди. Канал қурилиши 14 февралдан бошлаб юборилди. Тошкент воҳасида ҳам халқ ҳашари йўли билан 1939-1940 йиллари 25 дан ортиқ ирригация иншоотлари қурилди. Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, бу қурилишлар, асосан, иттифоқ ҳукуматининг Ўзбекистонда пахта майдонларини кўпайтириш тўғрисидаги кўрсатмаларини бажаришга қаратилган эди. Республика қишлоқ хўжалигининг бир томонлама ривожланиши, пахта етиштиришнинг меъёрдан ортиқ даражада кўпайтирилиши, пахта якка ҳокимлигининг кучайиб бориши натижасида озиқ-овқат маҳсулотларини етиштириш кескин камайди.

Тошкент вилоят ижроия қўмитаси юқори идораларнинг кўрсатмаси билан 1940 йил январида Жанубий Тошкент каналини қуриш тўғрисида қарор қабул қилди. Канал қурилишини 1 мартдан – 1 июнгача амалга ошириш, қурилишни ҳашар йўли билан бажариш ва ҳашарга 80-90 минг кишини жалб қилиш режалаштирилди. Жанубий Тошкент канали трассаси бўйлаб қурувчиларга хизмат қилиш учун вақтинчалик 17 та касалхона ва медицина пункти, 20 та ошхона ва чойхона, 10 та магазин, 23 та дўконча, 4 та китоб дўкони ташкил қилинди.

Бу канални қуришдан мақсад Чирчиқ дарёси сувининг бир қисмини Ангрен дарёсига ўтказиш йўли

билан Пискент, Оққўрғон ва Ўрта Чирчиқ туманларида янги ерларни ўзлаштириш эди. 1940 йил 19 февралда оғир об-ҳаво шароитига қарамасдан Пискент туманининг 1523 колхозчи-ҳашарчилари иш бошлаб, 150 м^3 тош, 328 м^3 тупроқ қазиб олдилар. 21 февраль куни канал қурилишида 11822 киши ишлади [12]. Каналнинг олтинчи участкасида ишлаган Қуйи Чирчиқ тумани колхозчилари 17 мартда ер қазиш ишларини муддатидан олдин тугатиб, режани 107 фоизга бажрдилар [13].

Каналнинг 100 километрли трассасида қурувчилар 4 млн.м^3 тупроқ қазиб олдилар [14]. 1940 йил 12 апрелда каналнинг ер қазиш ишлари режаси бажарилди.

Канал қурилишида колхозчи аёллар ҳам фаол иштирок этдилар. Тошкент каналининг 12-қурилиш участкасида меҳнат қилган 3600 нафар Оққўрғон тумани колхозчиларидан 1800 нафари аёллар эди. “Қизил Болға” колхозидан Олмахон Муратова, Суйинча Ирова, Кўркам Муратова, “Қизил юлдуз” колхозидан П.Бўриева. Б.Кабалова, Т.Жуманова, А.Бойтоевалар кунлик тупроқ қазиш режаларини 250-300 фоиз қилиб бажардилар.

Канал қурувчиларининг маданий хордиқ чиқаришига катта эътибор берилиб, ҳашарчиларда Халима Носирова, Тамарахоним, Мукаррама Турғунбоева, Розия Каримова, Назира Иноғомова, Тошкентбой ака, Бобораим Мирзаев ва бошқаларнинг концертлари катта қизиқиш уйғотди.

Жанубий Тошкент канали қурилиши муддатидан олдин битказилди. Канал қурилиши мавжуд экин майдонларининг сув билан таъминланишини яхшилаш билан бирга янги ерларни ўзлаштириш имконини берди ва экин майдонларини 32 минг гектарга кўпайтирди.

Бу даврда Зарафшон дарёсида сув сиғими 600 млн кубометрлик Каттақўрғон сув омбори қурилиши давом эттирилди. Шимолий Мирзачўл канали ўзани кенгайтирилиб, 20 минг гектар янги ер ўзлаштирилди.

Республика ҳукумати амалга оширган чора-тадбирлар натижасида қисқа муддатда, яъни 1939-1940 йиллар давомида халқ ҳашари йўли билан гидроиншоотларни қуришда 62 млн.м^3 тупроқ, 159 минг м^3 бетон ишлари амалга оширилди. Бажарилган ишларнинг натижаси ўлароқ суғориладиган ерлар миқдори 1941 йилга келиб 1596 минг гектарга етди, шундан 920 минг гектарига ўзлаштирилган биринчи йилнинг ўзидаёқ совет ҳукуматининг талаби асосида марказ саноати учун зарур бўлган пахта хом ашёси экилди [6.18].

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш лозимки, совет ҳукумати ўзининг соҳада олиб борган сиёсатини халқ ташаббусига эмас, балки мажбурий равишда бажаришга ундовчи омилларга асосланган ҳолда амалга оширди. Тадқиқ этилган даврда халқ меҳнати эвазига бунёд этилган ва ҳозирги кунгача ишлатиб келинаётган суғориш иншоотлари, уларнинг қурилиши тарихи Ўзбекистоннинг, халқимиз кўп минг йиллик тарихининг таркибий қисмидир. Зеро, халқимиз қадимдан сувни муқаддас билиб, ерни эъзозлаб келган ва ўз менталитетида бунёдкорлик, бағрикенглик, меҳнатсеварлик каби олийжаноб хислатларни мужассамлаштиргандир.

АДАБИЁТЛАР:

1. Деятельность Коммунистической партии и Советского правительства по восстановлению и развитию хлопководства в Туркестане.- Т., 1986.- С.18
2. Нарынский К.М. Целина служит коммунизму.- Т., 1981.-С.8
3. Экономика и жизнь. // 1969.- №2.- С.9
4. Ахунбабаев Ю. Избранные произведения.- Т.,1985.- С.259
5. Азимов Л., Третьяков Е. Борьба за хлопковую независимость. // Гидротехника и мелиорация.- 1977.- №8.- С.15
6. Третьяков Е. Народные стройки. //Гидротехника и мелиорация.- 1977.- №9.- С.15
7. Алимов И. Оби ҳаёт учун курашганлар. // “Тошкент бинокори”, 1973. 11 апрель
8. Ибрагимов Ю.И. Из истории борьбы коммунистов Узбекистана за строительство Большого Ферганского канала. // Труды СаГУ .- Т.,1958.- С.175-176
9. Романов Ю. Прекрасное творение народа. // Сельское хозяйство Узбекистана.- 1980.- №2.- С.44
10. Насритдинов Қ.Ўзбекистонда ирригация-мелиорация қурилишининг ривожланиши ва унинг ижтимоий-иқтисодий оқибатлари (1981-1990 йиллар).- Андижон, 1994.- Б.26
11. Пославский В.В. Вода для большого поля.- Т.,1986.- С.31
12. Правда Востока. 1940, 25 февраль
13. Правда Востока. 1940, 21 март
14. Правда Востока. 1940, 18 июнь

Андижон давлат университети
2011 йил 22 январда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. И.А.Алимов)